

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

2008 йил, 25 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 189 (11.250)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни эълон қилинди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқлариغا риоя этилишини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.**

● **Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида Ахборот-коммуникация ҳафталиги доирасида «ICTExpo — 2008» халқаро ахборот технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

● **Кеча инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўзбек тилида чоп этилган юбилей нашрининг тақдироти бўлиб ўтди.**

● **Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг қарорига биноан 90 йиллик юбилейи нишонланаётган Ўзбекистон Миллий университетида мазкур таълим даргоҳининг тарихини ақс эттирувчи музей очилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган қўқарувчиларнинг кўпқураш мусобақаси якунига етди. Унда мазкур вазирлик тизимидаги бошқармалар вакиллари 18 жамоа иштирок этиб, голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.**

● **Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти суд бошқарувчиларининг бугунги иш фаолиятига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Мазкур семинар республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда республика суд бошқарувчилари жамаияти томонидан ташкил этилди.**

● **«Кўқонмебель» масъулияти чекланган жамаияти қошида пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Айни пайтда корхонада бир кеча-кундузда 500 жуфт махсус пойабзал тайёрланмоқда.**

● **Фарғона вилояти Ўлкашунослик музейи ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг вилоят бўлими ҳамкорлигида «Юрт чиройи» деб номланган кўргазма бўлиб ўтмоқда.**

● **Бухорода Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ иходиёти ва маданий маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкиллаштирилган «Рақслар гулшани» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

ЖАҲОНДА

● **АҚШ Сенатининг Ташқи ишлар қўмитаси сешанба кунини НАСАга Россиянинг «Союз» космик кемаларидан фойдаланишда давом этишга рухсат берди. Шу ҳақдаги қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун АҚШ конгрессининг юқори палатасига тақдим этилди. Кейин уни Президент имзолаши зарур.**

● **«Reuters» ахборот агентлиги хабарига кўра Сомали пойтахти Могадишо шаҳридаги Африка тинчлик кучлари қароргоҳига жангарилар томонидан ҳужум уюштирилган. Босқинчиларнинг ўқларидан 11 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган ва нотинчликдан хавотирга тушган қўллаб оиналар ўз уйлари ташлаб кетишга мажбур бўлишган.**

● **Покистон ҳарбий кучлари мамлакат ҳудудида айғоқчилик мақсадида кирган АҚШ самолётини аниқлаган. Мамлакат разведка ишлари вакиллари бирининг таъкидлашича, учувчиси бошқариладиган мазкур самолёт Покистон ҳарбий кучлари жойлашган нуқталарни ўрганиш билан шуғулланган мазлум бўлган.**

● **Бош вазир Силвио Берлусконининг расмий маълумотида кўра, Италия ҳукумати мамлакат жанубига мафияга қарши курашиш учун 500 нафар аскарни жўнатишга қарор қилди, деб ёзади «The Times» газетаси. Ҳарбий кучлар Милан шаҳридан узок бўлмаган Казерту ҳудудида тозалаш ишларини олиб боради.**

● **«SanDisk» компанияси янги мусиқа ёзиш қурilmасини ихтиро этди. «slotMisis» номини олган ушбу мосламанинг компакт-дисклардан фарқи жиҳати шундаки, улардан нусха кўчириш чекланмаган. Шунингдек, ушбу мосламада суратларни сақлашга мўлжалланган бир гигабайтти хотира сизими ҳам мавжуд.**

● **Испанияда янги қонун лойиҳаси қабул қилинди. Унга кўра мамлакатда ишсиз юрган муҳожирлар ўз хоҳиши билан Ватанига қайтадиган бўлса, унга Испания маҳаллий органлари томонидан пул муқофоти берилади. Мехнат вазири Селистино Корбачонинг айтишича, муҳожирлар пул муқофотлари олиш учун бир қанча шартларни бажаришлари керак бўлади.**

● **Шимолий Корея Йонбондаги ядро реакторини қайта тиклаш ишларига тайёргарлик кўрмоқда. КХДР ташқи ишлар вазири вакили Хен Хак Пон берган маълумотлар асосида «Франс пресс» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатган.**

● **«Knight Frank» консалтинг компанияси ўтказган тадқиқот натижасига кўра, Монакода жойлашган сара уй-жойлар дунёда энг қimmat деб топилди. Бу борада у Лондондан ҳам ўзиб кетди. Жорий йилнинг иккинчи чоррағида Монакодаги сара квартираларнинг қиймати ўртача 30 фоиз ошиб, квадрат метрининг баҳоси 83,6 минг долларга етган.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

● **КЕЧА** «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамғармаси ташаббуси билан педагоглар иштирокида ўтказилган семинар инклюзив таълим тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** шаҳримизда алоқа соҳаси мутахассислари иштирокида уюштирилган конференция «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш» деб номланди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туман ҳокимлигида корхона ва муассасалар, тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишнинг аҳамиятига бағишланган тadbirkor бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш» мавзусида уюштирилган давра суҳбатида ёшлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрида Ўзбек-япон ҳамкорлиги жамаияти ташаббуси билан ўтказилган тadbirkor ўзбек ва япон халқининг ўзаро дўстона алоқаларига бағишланди.

● **ГАФУР Ғулом** номидаги маданият ва истироҳат боғида «Мумтоз наволар» мавзусида ўтказилган тadbirkor ва концерт дастури академик Юнус Ражабий ижодига бағишланди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан алоқа соҳаси мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган медиа форум «Замонавий ахборот жамаиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли» деб номланди. Медиа форум доирасида «Энг яхши веб-сайт» номинациясига муносиб топилган голиб оммавий ахборот воситаларига грантлар топширилди.

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги 312-мактабда фахрий педагоглар, ўқувчилар иштирокида уюштирилган тadbirkor 1 октябрь — Ҳўтувчилар ва мураббийлар кунига бағишланди.

● **БУГҮН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги «Кубиша» тасавий санъат студияси ташаббуси билан ўтказилган расмлар кўрик-танлови «Ким бўлсам экан?» деб номланди.

● **БУГҮН** Миробод туманидаги Гафур Ғулом номи маданият уйи саргарошлик курси қатнашчилари Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманида жойлашган 124-мактаб-интернатга экскурсия қилишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР БОИС УЛАРНИНГ САФИ КЕНГАЙИБ, ИҚТИСОДИЁТДАГИ УЛУШЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ЭНГ АСОСИЙ УЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ ЙЎЛГА ҚўЙИЛГАН КўПЛАБ МАХСУЛОТЛАР ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСИШИ ВА ЭКСПОРТГА ЙўНАЛТИРИЛГАНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Албатта, тайёрланган ҳар бир махсулотнинг бозорининг бугунги юксак талабларига жавоб бериши, рақобатта чдамчилиги харидорлар сафи ортишида, буюртмаларнинг кўпайишида, корхоналар нуфузи юқори бўлишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ана шундай корхоналар сафида шаҳримиздаги «PGS» хусусий корхонасининг ўз ўрни бўлиб, уни бошқараётган тadbirkor раҳбар Польшанте Свешниковнинг ўзининг ишбилармонлиги, тажрибаси билан ишлаб чиқаришнинг ривожини таъминламоқда. Шу боис бўлса керак, у Президент соврини учун аънавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови голиблари сафидан муносиб ўрин олган ва «Энг яхши тadbirkor» деб эътироф этилган.

Корхона ташкил этилган 1993 йилда атиги 3 киши меҳнат қилган бўлса, бугун уларнинг сафи 10 баробарга ортганлиги, ишлаб чиқариш ривожланиб, махсулот турлари кўпайиб бораётганлиги, албатта, тadbirkor раҳбарнинг ишбилармонлигидан далолат бериб турибди. Шунингдек, корхона ривожига ҳукуматимиз ва Президентимизнинг тadbirkorликка қаратган катта эътиборлари мўҳим омил бўлмоқда, эркин фаолият кўрсатишда улкан аҳамият касб этмоқда.

— Президентимиз 2007 йилда мамлакатни мамнуятини изҳор этди.

Т.Никаи икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш ҳақида гапириб, сўнгги йилларда Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат, шунингдек молия вазирларининг Ўзбекистонга ташрифлари бўлиб ўтгани, Тошкентда мунтазам равишда турли бизнес-форумлар ўтказиб келинаётгани, бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида «Сарможаларни эркинлаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳукуматлараро битим имзоланганига алоҳида эътибор қаратади. «Бу мисоллар Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради», — деди вазир.

(Давоми 2-бетда).

Тadbirkorлик

РИВОЖЛАНИШ ОДИМЛАРИ

катни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мўҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида алоҳида таъкидлаб, — дейди корхона раҳбари Польшанте Свешников, — «Кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан, балки уни аввало сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим», деб айтди.

Биз ҳам ўз махсулотларимизнинг рақобатбардошлигини ошириб, уларнинг ташқи бозорда ҳам харидорлигини таъминлашимиз. Шу боис ҳам тайёрланаётган товарларимизга қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки мазкур корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда. Бу ерда 2006 йилда 406 миллион сўмлик, ўтган йилда 765 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида 426 миллион сўмлик махсулот тайёрланди.

Корхонада саноатда ишлатиладиган электр мини ускуналар, маиший электр асбоблари сингари 30 хилга яқин махсулотлар ишлаб чиқарилади. Айниқса, 50 хил на махсулотларини пишириш имкониятига эга бўлган кичик новвойхоналар тайёрланмоқдаки, бу тadbirkorларга нихоятда қўл келмоқда. Уларда соатига 64 донга бўлса нон тайёрлаш мумкин бўлиб, сифати билан ажралиб туради. Яна шунини айтиш лозимки, «PGS» махсулотлари электр энергиясини тежасли билан ҳам аҳамиятлidir.

Корхонанинг электр қозонлари ва казоб пишириш ускуналаридан умумий овқатлаш корхоналари ҳамда аҳоли кенг фойдаланмоқда. Улар экологик тозаллиги билан аҳамиятлidir. Калорифер махсулотни эса ишлаб чиқариш цехлари, офис ва маиший бинолар, хонадонларда ўзининг иситиш қуввати билан қўл келмоқда.

Айни кунларда эса корхона тadbirkorлари махсулот турларини янада кўпайтириш, сифатини ошириш устида изланишмоқда. Махсулотларнинг кўпчилиги корхонанинг ўз ишланмалари асосида тайёрланиб, улар учун муаллифлик гувоҳномалари олинган. Сирасини айтганда тadbirkorларнинг астойдил изланишлари ўз самарасини бериб, ички ва ташқи бозорда харидорлари сафи ортмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхонада тайёрланаётган махсулот сифатида ҳар бир ходим жиддий эътибор қаратади.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ланди. Корхонада саноатда ишлатиладиган электр мини ускуналар, маиший электр асбоблари сингари 30 хилга яқин махсулотлар ишлаб чиқарилади. Айниқса, 50 хил на махсулотларини пишириш имкониятига эга бўлган кичик новвойхоналар тайёрланмоқдаки, бу тadbirkorларга нихоятда қўл келмоқда. Уларда соатига 64 донга бўлса нон тайёрлаш мумкин бўлиб, сифати билан ажралиб туради. Яна шунини айтиш лозимки, «PGS» махсулотлари электр энергиясини тежасли билан ҳам аҳамиятлidir.

Корхонанинг электр қозонлари ва казоб пишириш ускуналаридан умумий овқатлаш корхоналари ҳамда аҳоли кенг фойдаланмоқда. Улар экологик тозаллиги билан аҳамиятлidir. Калорифер махсулотни эса ишлаб чиқариш цехлари, офис ва маиший бинолар, хонадонларда ўзининг иситиш қуввати билан қўл келмоқда.

Айни кунларда эса корхона тadbirkorлари махсулот турларини янада кўпайтириш, сифатини ошириш устида изланишмоқда. Махсулотларнинг кўпчилиги корхонанинг ўз ишланмалари асосида тайёрланиб, улар учун муаллифлик гувоҳномалари олинган. Сирасини айтганда тadbirkorларнинг астойдил изланишлари ўз самарасини бериб, ички ва ташқи бозорда харидорлари сафи ортмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхонада тайёрланаётган махсулот сифатида ҳар бир ходим жиддий эътибор қаратади.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЯПОНИЯ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚўТЛАЙДИ

ЯПОНИЯ ПОЙТАХТИ ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ БўЛИБ ўтди.

Мамлакатимиз элчихонаси томонидан ташкил этилган анжуманда Япония сиёсий ва ишбилармон доиралари ҳамда жамоатчилик вакиллари, Токиода аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари, Жаҳон сайёҳлик ярмаркасида иштирок этиш учун бу ерга келган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси делегацияси иштирок этди.

Катнашчилар юртимиз мустақиллиги кунини муносабати билан халқимизга ўз эзгу тилаklarини изҳор этди.

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири, парламент депутаты Тошихиро Никаи мамлакатимизнинг ютуқ ва муваффақиятларини таъкидлаган ҳолда иқтисодий тараққиётнинг барқарор натижаларидан мамнуятини изҳор этди.

Т.Никаи икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш ҳақида гапириб, сўнгги йилларда Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат, шунингдек молия вазирларининг Ўзбекистонга ташрифлари бўлиб ўтгани, Тошкентда мунтазам равишда турли бизнес-форумлар ўтказиб келинаётгани, бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида «Сарможаларни эркинлаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳукуматлараро битим имзоланганига алоҳида эътибор қаратади. «Бу мисоллар Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради», — деди вазир.

(Давоми 2-бетда).

«Tashkent open — 2008»



ОЛДИДАН КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

КЕЛАЁТГАН ОЙНИНГ ДАСТАБКИ ҲАФТАСИ ДАВОМИДА ПОЙТАХТИМИЗДА «TASHKENT OPEN-2008» — АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ТУРНИРИ БўЛИБ ўтади.

WTA — Бутун жаҳон аёллар теннис уюшмаси туркумига киритилган бу мусобақа Тошкентда ўнинчи марта ўтказиладиган бўлса, ўтган давр мобайнида турнирнинг бош супасига Анна Смышнова (Исроил), Бьянка Ламате (Германия), Мария Микаэлян (Швейцария), Руано Паскуаль (Испания), Николь Вадиско (Чехия), Михаэла Крайчек (Голландия), Паулин Парментье (Франция) ҳамда осмелик теннисчилардан Тиантян Сун (Хитой) ва ҳамюртими Ирода Тулганова кўтарилибди.

— Тошкентда галабага эришиш мен учун жуда мўҳим, — деганди «Tashkent open» турнирининг чемпионларидан бири хитойлик Тиантян Сун. — Галабалик мақомида меннинг сакизта муқофотим бор, бироқ, юқорида қайд этганидек, бу сафарги ютуғим мен учун катта аҳамиятга эга. Илк маротаба мен юқори поғонага бир ўзим кўтарилишга муваффақ бўлдим. Ҳар доим ўз ютуқларимни жуфтликдаги дугоналарим билан улашардим-да...

Гап шундаки, Сун кейинги йиллар давомида фақат жуфтлик уйинларида энг яхши теннисчи ҳисобланган. У ҳамюрти Ли На билан жуфтликда 2004 йилда Афинада бўлиб ўтган Олимпиада уйинлари голиби бўлган, ундан олдин эса айнан шу жуфтлик «Tashkent open — 2003» турнири бош совринини қўлга киритганди. Шу ўринда Суннинг ўша кезларда билдирган яна бир фикрини келтириб ўтишни жоиз деб билдик. «Мен ҳар доим Тошкентда ўтказиб келинадиган мусобақаларни, жумладан голибларни тақдирлаш маросимларини завқланиб кузатиб борар эдим. Айниқса, мамлакатимиз раҳбари шаҳсан ўзлари голибларга зар чопонлар кийдиришларини кўриб, хайратга тушардим. Бундай дақиқаларни мен ҳам ният қилгандим ва нихоят орзуимга эришдим...», деганди Тиантян.

(Давоми 4-бетда).

2200 йиллигига бағишланган давра суҳбати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРКМАНИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «ТОШКЕНТ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁХЛИК МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ ўТҚАЗИЛДИ.

рилайётган кенг қўламли ишлар, хорижий сайёҳлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар хусусида атрафлича сўзлаб берилди. Жумладан, келгуси йили юртимизда нишонланиши режалаштирилаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида бу ерга сайёҳларни кенг жалб этиш бўйича қатор мўҳим вазифалар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Анжуманда Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қарши каби қадимий шаҳарларимизнинг юбилей саналари халқаро микёсда кенг нишонлангани, мамлакатимиз Президенти томонидан 2008

йилнинг 2 апрелида қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эса бу каби эзгу ишларга давлат даражасида эътибор қаратилаётганидан далолат бериши таъкидланди.

Тошкент — бутун дунёга машҳур олим ва уламолар шаҳридир. Кафол Шойи, Шайх Хованд Тоҳур, Хожа Аҳрор Валий, Бахриддин Чочий, Хофиз Кўҳаний, Абуабкар Шойи каби қўллаб алломалар пойтахтимиз тарихида муносиб из қолдирган.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИ, СИФАТ БОСҚИЧИ

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ЖАМИАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИНИНГ, БУТУН ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ЭТИБ БЕЛГИЛАДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНИДАН КЕЙИН ҚЎШИЛГАН БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ҲАМ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ БЎЛДИ. МАЗКУР ҲУЖЖАТ ҚОНДАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ, МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК МЕЪЁРЛАРИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилган либераллаштириш инсон ҳуқуқларига ривож этилишининг муҳим қадамларидир. 2008 йил январдан ушим жазосининг бекор қилиниши, ҳибсога олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши юртимизда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Пойтахтимизда Тошкент давлат юридик институти томонидан "Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши — жиноий жазоларни ижро этишни либераллаштириш" мавзuida Конрад Аденауэр фонди ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро илмий-назарий конференцияда шу алоҳида кайд этилди.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлидаги ишлар кўламини ва самардорлигини янада оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Анжуманда Тошкент давлат юридик институти ректори М.Р.Рустамов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар Ўзбекистонда инсоннинг конституций ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасида мақсад-

ли, тизимли ва комплекс тадбирлар амалга оширилгани ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу, аввало, ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқи, асосан жиноий жавобгарликка тортишдан ҳимояланиши ва шахсий ҳаётга аралашмиш, шахсий дахлсизлик, шунингдек, таълим судловга бўлган ҳуқуқларига таълиқланди.

— Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши жуда улкан воқеадир, — деди Германия Мекленбург — Форд Поммерен федерал ўлкаси адлия вазирининг ўринбосари Райнер Допп. — Ўзбекистон бу борада ривожланган Европа давлатлари қаторидан мустаҳкам жой олди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши — инсоннинг озоликка доир ҳуқуқига оид халқаро стандартларнинг амалда бажарилишидир. Европа мамлакатлари ўлим жазосини бекор қилиш учун кўплаб асрларни бошидан кечирди ва XX асрга келиб бунга эришди. Ўзбекистоннинг инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларини тез ва самарали амалга ошираётгани кувонарли. Мен мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар ва ислохотларга чин дилдан омад тиламан.

Халқаро конференцияда Ўзбекистонда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш натижалари, суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари истиқболлари, амалиётда жиноий жазони қўллаш бўйича халқаро экспертлар фик-

рини ўрганиш, умрбод ёки узоқ муддатли озоликдан маҳрум қилиш жазосининг ўзига хос жиҳатлари ва уни амалиётда қўллашга доир масалалар кўриб чиқилди.

Халқаро экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларни юқори баҳолаб, Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ўз тараққийнинг янги, сифат босқичига кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, оғир ва ўта оғир квалификация қилинувчи бир неча жиноятлар тури қисқартирилгани ўз самараларини бермоқда.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутаты, Конституций суд, Олий суд, Олий ҳужжали суди, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, адвокатлар, олимлар, шунингдек, дипломатик корпус вакиллари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, суд-ҳуқуқ ислохотлари институционал базасини янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА УЧ ЙИЛДА БИР МАРАТОБА БЎЛАДИГАН «ДАВР САДОЛАРИ-2» ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ФЕСТИВАЛНИ ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ ВА МАЗКУР КОНСЕРВАТОРИЯ ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ҚИЛДИЛАР.

Фестиваллар

ДАВР САДОЛАРИ

— Ушбу фестивалда республика-мизда фаолият олиб бораётган юздан ортиқ бастакорлар ўзларининг симфоник, камер, халқ чолғулари, болалар мусикаси, хор мусиқий йўналиши, драма ва комедия жанридаги турли хил мусиқий асарлари билан иштирок этадилар, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев кечани кириш сўзи билан очар экан. — Бу фестивални ўтказишдан асл мақсадимиз эса мусиқа соҳасини янада ривожлантириш, янги-янги мусиқий асарлар яратиш, ёшлар ижодини кенгроқ тарғиб қилиш ҳамда республика миқёсида фаолият олиб бораётган бастакорлар билан маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаб, улар ижодини кенгроқ тарғиб қилишдан иборатдир. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтмоғим жоизки Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг аъзолари обод ва озоқ диёримизнинг мусиқий маданиятини ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар. Айниқса, бастакорларимиздан Ҳабибулла Раҳимов, Икром Ақбаров, Дилором Омонуллоева, Фарход Алимов, Мустафо Бафоев, Нодим Норхужаев, Аваз Мансуров, Баҳрулла Лутфуллоев, Ойдин Абдуллаевалар ҳар қандай Халқаро танлов, фестивал ва концертларда жонбозлик кўрсатиб ёшларга йўлбошчилик қилиб келмоқдалар. Бу фестивал янги-янги иқтидор эгаларини танилаб олиш ва кашф этишда ҳам муҳим босқич бўлади. Зеро мусиқа дунёси кишиларни энг ойдан йўлларга, ойдан ҳаёлларга, умид, ишонч ва муҳаббатга чорлайди. Унинг сехридан ҳар қандай қалб ором олади, дил изтиробларини унутади, яхшилик бонг уради, гўзаллик бор бўй-бастини намоён қилади, фарз ва ҳуснат унинг сехри наволаридан кейин секингина орт-

га чекинади. Шундай экан мусиқа санъатини янада ривожлантиришимиз, уни ҳар қандай умри қисқа, бемано ва бетавсир куй ва кўшиқлардан асраб-авайламоғимиз шарт. Негаки ҳар бир мусиқа заминидан миллат маънавияти ва маданияти уфуриб туради.

Жумладан, тадбирда «Дўстлик» ордени соҳиби, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Дилора Муродова ҳам сўзга чиқиб, бугунги мусиқа санъатининг ютуқ ва камчиликлари, Халқаро танловларнинг аҳамияти, ёшлар ижодининг чет эл мутахассислари томонидан юқсак баҳоланиши ва дунё мамлакатлари ўртасидаги мусиқий ҳамкорлик натижалари ҳамда Президентимизнинг мусиқа соҳасини янада ривожлантириш борасидаги эътибор ва ғамхўрликлари хусусида сўз юритди.

Фестиваль доирасида Рустам Абдуллаевнинг «Шодлик таронаси» увертюраси, Ҳабибулла Раҳимовнинг «Симфония»си корейск куйлари асосида, Икром Ақбаровнинг «Амир Темур» симфонияси, Мирхалил Маҳмудовнинг «Буюк бешик кўшиги» ораторияси ҳамда «Истиклол нашидаси» увертюраси янгради.

Куй ва кўшиқларни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Давлат хор капелласи жамоаси ҳамкорлигида Дониёр Назаров ва Алишер Абдуғуфуровлар ижро этидилар.

Башу дирижёр Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Анвар Эргашев, бадиий раҳбар Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов.

Фестиваль 12 декабрга қадар давом этади. Унинг доирасида матбуот анжуманлари, турли хил учрашувлар ва давра суҳбатлари, Ёшлар йили муносабати билан ёш бастакорлар ва хонандалар билан мулоқотлар олиб борилади.

Гулчехра САТТОР кизи

Иқтисодиёт ҚИШ МАВСУМИ ТАРАДДУДИ

ТЕМИРЙЎЛ КОРХОНАЛАРИНИ ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАБ БОРИШ «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ КОМПАНИЯСИ УЧУН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ САНАЛАДИ. КОМПАНИЯНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН» ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИ ЖАМОАСИ ҲАМ БУ ИШГА БАРВАҚТ КИРИШДИ.

Корхона ҳудудидаги 20 дан ортиқ цехларни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш режаси адо этилди.

Мавжуд қозонхоналарда жорий таъмирлаш ишлари қилиб боришмоқда. «Ўзбекистон» бекатида кетган иссиқлик қувурлари эндиликда 2 та мактабга таълим муассасаси, битта мактаб биносига ҳам уланди.

Локомотивларни қиш мавсумига тайёрлаш билан алоҳида локомотив бригадаси шуғулланмоқда.

ЗАВОДНИНГ МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ҚУЮВ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ» ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» КОМПАНИЯСИДАГИ ЙИРИК ШЎЪБА КОРХОНАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.

Узоқ йиллар давомида корхонада меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ темирйўлчилар яқинда муносиб тақдирланди. Уларга Фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар топширилди. Корхонада узлуксиз 32 йил ишлаган аёллар ҳамда 25 йиллик иш стажига эга эрақлардан бир гуруҳи эса «Заводнинг меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан мукофотландилар.

ГЕОФИЗИКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

«ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ РОССИЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ҲАМ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА.

«Ўзтатгеосервис» қўшма корхонасининг ташкил топиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Ушбу Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси илғор технологик жараёнларни йўлга қўйиш билан яқиндан шуғулланишга киришди.

Акбар АЛИЕВ

ЁШЛАР ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ МАРКАЗИДА «ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЁШЛАР НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2008 йил 1 майда имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган мазкур давра суҳбатида олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими масканлари, ёшлар фаолиятига йўналтирилган жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қондалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ўз ифодасини топгандир.

Юртимизда инсоннинг, аввало, болалар, хотин-қизлар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини барча чоралар билан ҳимоялаш, ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат тузилмалари билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, фаолияти ёшлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига яқиндан кўмаклашишга қаратилган жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти ҳам катта бўлмоқда.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келахат овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Sen Yoig'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси каби нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятимиз, айниқса, навқирон авлод ҳаётидаги таъсири ва мавқеи тобора ортиб бормоқда.

Давра суҳбатида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда ёшлар билан ишловчи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрнига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам СИҲАТТОҲЛАРИМИЗДА ҲОРДИК ЧИҚАРИНГ, ДАВОЛАНИНГ

Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, инсон организмга ташқи муҳитдан таъсир этувчи салбий омилларга қарши иммунитетни кучайтириш учун албатта биринчи навбатда жисмоний тарбия билан шуғулланиб, чиниқшимиз зарурлиги, ўз навбатида, вақти-вақти билан профилактик муолажалардан ҳам самарали фойдаланишимиз нечоғлик аҳамиятли эканлигини англаш қийин эмас. Республикаимизнинг хушманзара ҳудудларида жойлашган сиҳаттоҳлар айнан шу йўналишда хизмат қилади десак адашмаймиз.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси бошлиғи Акмал ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Ҳаётда интилиб яшар эканмиз, ҳар бир жисмоний ёки ақлий ҳаракатимизда қувват сарфланади. Табиатан организм бу сарфланган қувватни қайта тиклаш хусусидага эга. Аммо бу борада ўзига яраша «лекин»лари ҳам бор. Инсон улайган сари, организмнинг тиклаш имкониятлари йўқолмайди, бироқ маълум босқич ўтган, сустайиб бориши ҳам мумкин. Гап, албатта, инсон ёши ҳақида. Бунинг энг мақбул йўли — шифокор тавсияси ва кузатиш остида қўшмича равишда табиат инъомларидан баҳра олиш ҳамда қувват ато этувчи турли препаратларни тизимли равишда қабул қилишдир. Бу борада, юқорида айтиб ўтилганидек, сиҳаттоҳлар алоҳида ўринда туради. Бугунги кунда биргина қасаба уюшмалари тизимида 15 та санаторий мавжуд бўлса,

шундан ўнтакси кўп тармоқли, қолганлари маълум бир йўналишга ихтисослаштирилган.

— Яъни демокчисизки, ихтисослаштирилган санаторий анжун бир дардга чалинганлар учун малҳам вазифасини ўтаса, кўп тармоқлиси — мажмуавий профилактик амалларга йўналтирилган, шундайми?

— Шундай. Аммо аввал шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, даволаниш ёки дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлаш учун келганларнинг ҳар бири шифокор хулоса-йўлнамаси бўлишидан қатъи назар, албатта жойида тўлиқ текширувдан ўтказилади ва шунга қараб тўлиқ муолажалар қилинади. Масалан, «Зомин» ва «Оқтоқ» санаторийлари то ён бағрида жойлашган бўлиб, асосан нафас олиш йўллари даволашга ихтисослаштирилган.

Аёлларимизга оналик қувончинин бахш этиш мақсадида аёл ва эрақларда учрайдиган айрим касалликларни самарали даволаш учун алоҳида «Умид гулшани» сиҳаттоҳи ташкил қилинган.

Бухородаги «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси буйрак ва сийдик йўлларидаги шомоллаш асоратларини даволашга мўлжалланган.

— Бу борада фақат клиник усулларидан, яъни дори воситаларидан фойдаланилмас керак?

— Инсон организми табиатига минерал шифобахш сувлар ва балчиқларнинг таъсир механизми ўхшашлиги таъдиқот қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда сиҳаттоҳлар шароитида турли хил касалликларни даволашда ва профилактик муолажаларда кўпинча балчиқдан ҳамда бошқа минерал манбалар (бальнеотерапия)дан фойдаланилади. Чўноччи, республикамизнинг аксарият даволаш-профилактика ва санаторий-курорт муассасалари



рида Жиззах вилоятининг Балиқчи кўлидан келтириладиган ва махсус ўраларда сақланган сульфидли балчиқ ишлатилади. Республикаимизда минерал сувларнинг барча шифобахш хусусиятини ўзига мўлжаллаштирган бой гидроминерал ресурслар аниқланган. Аҳоли саломатлигини тиклаш ва умуман мустаҳкамлашда, масалан, «Чимён» сиҳаттоҳи табиий имкониятлари бўйича бемалол шифобахш сувлари билан яхши маълум «Мацеста» санаторийисига тенглаштириш мумкин. «Чортоқ», «Хонка» санаторийлари йод ва бром миқдори юқори бўлган йод-бромли сув, «Чиробод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Қашқадарё соҳили» ва «Косонсой» сиҳаттоҳлари хлорид-гидрокарбонат натрийли сувларга бойлиги билан Епатория, Саки курорт зоналари билан беллаша олади. «Абу Али ибн Сино» шифо ва дам олиш маскани ҳудудида эса «Пятыгорск» санаторийси донгини таратган родонли сувлар

нидан, жумладан тоғли ҳудудларда жойлашган оромгоҳларда инсон организмга бир вақтнинг ўзига атраф муҳит омиллари ҳамда жисмоний тарбия усуллари таъсир қиладиган терренкур даволаш, яъни туташган йўлларда чекланган равишда юриш тавсия этилади.


— Сир эмаски, бир пайтлар эҳтиёж бўлишига қарама-қарши, бир дам республикамиз оромгоҳлари бироз одамлар назаридан четда қолганди... Бундай катта ҳўжаликлари моддий-техник негизини замонага яраша такомиллаштириш осон эмас, албатта.

— Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даврининг бошида санаторий-курорт тизимида ҳам ўзига яраша кийинчиликлар бўлди. Эндилликда, хусусан, бевосита бизнинг тармоқда эътибор қаратадиган бўлса, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан санаторий-курорт муассасаларини қайта қуриш, ободонлаштириш, жиҳозлаш ва қулайликлар яратиш, умуман замон талабига мос ривожлантиришда кўп ишлар қилинди ва бугунги кунда ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Бошқарма тасарруфидаги санаторийларнинг бугунги имконияти 3352 ўринни ташкил этади ва ҳар бирида дам олувчи ва даволаш-нувчилар учун қулай шарт-шароитларга эга, тўлиқ жиҳозланган бир-икки ўринли хоналар, алоҳида оилавий кotteжлар, «люкс» хоналари ҳам ташкил этилган. Шунингдек аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда қисқа муддатли йўлланма орқали дам олиш ва кундузги даволаш хоналари ташкил қилинди.

Сиҳаттоҳларда замон талабига жавоб берадиган физиотерапевтик, бальнеологик ва бадантарбиясини кенг қўллаш даволаш-ташқиллаш базаси яратилган, шунингдек функционал-ташқил, клиник ва биокимёвий лабораториялар, ультратушуш изланиши, рентген ва бошқа ташқиллаш хоналари мавжуд. Кейинги йилларда компьютер назоратида ичакларни чайиш «АМОК» ва компьютерли умуртка поғонасини тортиш аппаратлари, психологик, магнито-, лазертерапия, инфракизил нурилар терапияси каби янги даволаш усуллари жорий қилинган. Бунинг натижасида даволаш самарадорлиги ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди. Санаторийларда даволанувчиларни тўлиқ текширувдан ўтказиш, шунингдек янги даволаш-ташқиллаш технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Дам олувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишга ҳам катта аҳамият берилди. Улар учун маданият саройлари, клублар, ахборот-ресурс марказлари, спорт мажмуалари, болалар учун ўйингоҳлар, чойхоналар, сауналар хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, концертлар, ижодий учрашувлар, зиёрат масканларига сафарлар уюштирилади, бугун дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро,



Хиванин сўнмас гўзалликлари ва меъморий обидларидан баҳраманд бўлишди.

— Шу ўринда сиҳаттоҳ йўлнамалари хусусида ҳам бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Юртимизнинг табиати гўзал ҳудудларида ташкил этилган аксарият санаторий муассасалари идоровий бўлиб, биздан ташқари, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимлари қошида ҳам мавжуд.

Қасаба уюшмалари негизидаги сиҳаттоҳлар асосан меҳнат билан банд бўлган аҳоли — ишчи-хизматчилар учун мўлжалланган. Республикаимизда етти миллиондан зиёд ишчи-хизматчилар бўлса, деярли ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса қасаба уюшмаси аъзоси, демак ўз таркибида фаолият йўналиши бўйича тармоқ қасаба қўмитасига эга. Ходимлар айнан шу қўмита орқали дам олиш ёки даволаниш учун санаторийга имтиёзли йўлланма олиши мумкин. Имтиёз асосан йўлланма нархининг 60 фоизини ташкил этади, аммо корхона ёки ташкилот қасаба қўмитаси умумий жамоа йиғилиши қарори билан ўз ходимига 100 фоизли чегирмани ҳам қўллаши мумкин. Бундан ташқари, алоҳида фуқаролар ҳам шартнома асосида (ўз фирмаси бўлса) ёки нақд пул тўлаш орқали бошқарма ёки бевосита санаторийга мурожаат этган ҳолда йўлланма олиши мумкин. Юртимизда меҳмон бўлиб турган хоржий фуқаролар ҳам амалдаги қўнчилик бўйича кириш-чиқиш ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда истаган санаторийга йўлланма харид қилиш имкониятига эга.

Хулоса қилиб айтганда, Курортлар бошқармаси тизимидаги оромгоҳларда дам олиш ва даволаниш учун барча шароитлар яратилган: тоза тоғ хавоси, минерал манбалар, қум ва қуёш нури, чиройли табиат манзараси минглаб аҳолининг соғлигини тиклаб, ҳордик чиқаришни таъминлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барчани сержуёк диёримизнинг ажойиб санаторий-курорт масканларида рохатланиб, саломатлигини мустаҳкамлаб олишга тақдир қилмайсиз. Шифобахш ҳудудларда дам олган инсон ҳар доим соғлом бўлишга қарорат берамиз.

Сухбатдош Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясига қарашли курортлар фаолиятдан лавҳалар

ОЗ-ОЗ ЎЎТГАНИД
ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИҚМАТ БҮСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР

Ҳар ким хотинларнинг раъйига қарашда
эҳтиёт бўлин.

Ҳар кимнинг ҳиммати ўзига қараб.

Шавкатдан из қолсин, деган подшо,
Қилади ажойиб бинолар барпо.
Эҳромларга боққил, турар мустаҳкам,
Замону балолар энголмас асло.

Хушёр эсанг агар, эҳромларга боқ,
Давронлар сўзига соласан кулок.
Аждодларга тақдир нелар қилганин,
Сўзлаб беришади тилга кирган чок.

Қани бу эҳромни қурган зўр инсон,
Қайда туғилди-ю қайда берди жон?

Из қолдирганлардан қолади бир из,
Ўзлари ажалга ем бўлган замон.

Гўристонга олиб борсанг бирор
ким тобутин, билгил,
Сенинг ҳам тобутинг элтгай, шудир
бу дунёда одат.

Айтмаган жойга боради, яна сўраб олади.

Ҳамиша ишқ элин ажратмоқ истар ёри-
дин агёр.

Насихат дориси бу ишқ элига ҳеч қилмас
кор.

Агар севган нигоринг кўнглида гар
бўлмаса севги,
Маконинг минг яқиндир фойда бермас,
бу ишинг бекор.

Одамларнинг сараси — сирларнинг мак-
бараси.

Хайрли ишларни қилишда собитқадам бўл,
хайрли, саховатли ва илмли одамлар билан
дўстлаш. Фақир ва мискинларга гамхўрлик
қил, хасис ва бахил бўлма, ёмон ва шубҳа-
ли одамлардан қоч.

Ҳар бир ҳодисанинг бир сабаби бор.

Тўғрилиқ фойда беради.

Ёлгон гапирмоқ тубанлик ҳисобланади.

Модомики, ваъдани бузиш табиий экан,
ҳар кимга ишона бериш ожизликдир.

Навқирон гўзал қилса бир гуноҳ,
Минглар афв сўраб, бўлишар панох.

Гар мени этса халос севгидан одам
боласи
Қолганидан ўз кучим бирла топар
эрдим нажот.

Ёлгон сўзлар шоҳлар учун нуқсондир.

Ёлгон нафрат ва душманлик туғдиради.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.



(Давоми.Боши 1-
бетда).

Мамлакатимиз
хақида бундай илқ
фикрларни кўпай
мехмонлар, айниқса турли
спорт мусобақалари
иштирокчилари ва
ғолиблари билдиради.


Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, аксарият
спортчилар Тошкентда бўлиб ўтадиган тур-
нирларнинг доимий қатнашчиларига айлан-
ган, демек, улар тадбирларнинг ташкилий
жиҳатлари, бевосита беллашувлар хусусида
таққослама фикрлар билдириши билан бир
қаторда, албатта, диёримиз ҳақидаги таас-
суротлари билан ҳам ўртоқлашишади.

— Ҳар сафар Ўзбекистонга мамнуният
билан келаман ва очигини айтишим керак,
диёримизга ташриф буюриш менга хузур ба-
ғишлайди, мамлакатингиз мафтуниман. Тош-
кент — меҳмондўст шаҳар. Сизда одамгарчи-
лик, меҳр-оқибат, дўстлик тушунчалари бар-
ча нарсдан устунлиги мени лол қолдиради.
Бундай мусобақатни ҳозирги глобаллашув дав-
рида деярли бирон-бир мамлакатда, шу жум-
ладан бошқа Осиё давлатларида ҳам яққол
сезиш қийин, — деганди, хусусан, «Tashkent
open»-да уч маротаба қатнашган таиландлик
теннисчи Тамирин Танасугарн. — Қолаверса,
бу хусусиятлар менинг кадрдон дугонам
Оқулга ҳам мансуб. У билан кўп мусобақа-
ларда учрашамиз, қисқа фурсатли дам олиш
дақиқаларини ҳам бирга ўтказамиз...

Дарҳақиқат, Ўзбекистон йирик нуфузли
мусобақалар ташкилотчиси, шу жумладан
АТР — Профессинал теннисчилар уюшма-
си, ITF — Халқаро теннис федерацияси, WTA
— Халқаро аёллар теннис уюшмаси тасни-
фидаги турнирларни ташкил этиш ва ўтқа-
зишда катта тажриба орттирган. Ўтган йили
Тошкентда олтинчи маротаба ўтказилган АТР
доирасидаги китъа йилларида эса мамла-
катимиз яна бир бор катта теннис маркази
эканлигини намойиш этди.

Китъанинг Шарқий, Марказий ва Жанубий-
Шарқий минтақаларини қамраган Осиё тен-
нис федерациясига 40 дан зиёд мамлакат
аъзолари қилмоқда. Ҳар бир минтақани АТР
вице-президенти бошқараётган бўлса, Мар-
казий Осиё давлатлари бўйича федерация пре-
зиденти ўринбосари лавозимига сайланган
Ўзбекистон вакили бугунги кунда Киргизис-
тон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон
ва, албатта, мамлакатимизда ҳам теннис ри-
вожига ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқ-
да. Бу ҳақда охириги китъа чемпионати доира-
сида уюштирилган федерация директорлар
кенгашида ҳам алоҳида таъкидланганди.

Марказий Осиё бўйича АТР раҳбари ҳис-
оботиға қараганда, ўтган йиллар давомида
минтақда профессионал мусобақалар қато-
ри анча кенгайган. Жумладан, Ўзбекистонда
ҳар йили ITF доирасида иккитадан учинчи ва
тўртинчи тоифали ўсмирлар турнири, иккита
эркаклар фьючерси (мукофот жамғармаси 15
миң АҚШ доллари билан иборат), тўртта чел-
ленжер (мукофот жамғармаси 35 миң АҚШ



КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

долларидан), WTАнинг тўртинчи тоифали
«Tashkent open» аёллар турнири (мукофот
жамғармаси 145 миң АҚШ доллари) ўткази-
лади. Дарвоқе, 2002-2007 йиллар давомида
Тошкент мезбонлик қилган Осиё чемпио-
натининг мукофот жамғармаси 100 миң АҚШ
долларидан иборат эди.

Қозоғистонда ITFнинг тўртинчи ва бешин-
чи тоифали иккита ўсмирлар турнири, му-
кофот жамғармаси 35 миң АҚШ доллари-
дан иборат иккита челленжер ва 75 миң
АҚШ доллариға тенг челленжер мусобақа-
лари аънаваний равишда ўтказиб келинади.
Киргизистонда ҳам ўсмирлар ўртасида
ITFнинг тўртинчи ва бешинчи тоифали ик-
кита мусобақаси ҳар йили ташкил этилади.
Бу борада Туркменистон ва Тожикистон
ҳозирча ITFнинг ўсмирлар турнири ва 13 ва
ундан кичкина ёшдагилар ўртасидаги Пре-
зидент Кубоги, яъни биттадан мусобақалар
билан кифояланмоқда.

Миллий терма жамоамиз, юқорида қайд
этилган ютуқлардан ташқари, турли ўсмир
ёши тоифаларига мансуб бошқа турнирлар-
да ҳам қатнашиб, яхши натижаларға эриш-
моқда. Чунончи, 2006 йилда федерация жа-
ҳон кубогида Альбина Хабидуллинова ва Алек-
сандра Колесниченко иштирокидаги Ўзбе-
кистон жамоаси бешинчи ўринни эгаллаган
бўлса, 2007 йил март-апрель ойларида Жа-
карта (Индонезия)да ўтказилган 14 ва ун-
дан кичкина ёшдагилар ўртасидаги Осиё
чемпионатига кизларимиз иккинчи, йигит-
ларимиз — учинчи погонани эгаллашди. Нью-
Делида бўлиб ўтган 14-халқаро турнирда
ва жаҳон ўсмирлар челленжерига Ўзбеки-
стон терма жамоаси шохсупаға кўтарилди. Шу

даражадаги мусобақалар шу йили февраль
ойида Сидней (Австралия)да ўтказилди, унда
кўпай давлатлар қаторида ўзбекистонлик
теннисчилар ҳам қатнашди.

Албатта, ўйинчиларнинг муваффақияти бе-
восита мураббийларнинг профессионал жи-
ҳатдан маҳоратига боғлиқдир. Бугунги кунда
Марказий Осиё минтақасида биринчи дара-
жадаги 70 нафардан зиёд мураббий ва ик-
кинчи даражадаги еттита мураббий тегишли
сертификатларға лойиқ деб топилган. Ўзбе-
кистонлик ва туркменистонлик мураббийлар
13-Осиё ва 14-Бутунжаҳон мураббийлар кон-
ференцияларида иштирок этиш грантларига
сазовор бўлдилар. Ўтган йили эса яна бир
нечта янги мураббийлар мактаби очилди.
Айни пайтда ҳақамлар миллий жамоаси етти
кишидан иборат бўлса, беш нафари ITFнинг
оқ нишонига, иккитаси — кумуш ва бронза
нишонларига эға. Уларнинг ҳақамлик фаоли-
яти турли даражада, ҳар йили ўтказиб тури-
ладиган турнирларнинг тоифаси(ITF, АТР, чел-
ленжерлар, Улкан Тож турнирлари, Дэвис куб-
оги ва Федерация кубоги)дан келиб чиққан
ҳолда олиб борилади. Оқ нишон мураббий-
лари кейинги йилларда Туркменистон, Қозо-
ғистон ва Россияда ўтадиган ўсмирлар мусо-
бақаларига тез-тез тақлиф этиб турилади.

Россия, Германия, Польша ва Эрон тен-
нис уюшмалари ҳомийлигида ташкил этила-
ётган халқаро тоифадаги мураббийлар бил-
ан тажриба алмашиш дастури ҳам аънава-
вий тус олмақда. Бундан ташқари, ҳақамлик
даражаси турли минтақалардан халқаро то-
ифадаги мусобақаларға жалб этилаётган ёш
ҳақамлар тўғриси ҳам охиш бораётти. Ушбу
йўналишда ўтган йил охиридаги ҳақамлик

бўйича минтақавий семинар ташкил этил-
ганди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ло-
зимки, Ўзбекистон 13-Осиё мураббийлар кон-
ференциясида «Мақтаб теннис ташаббусини
ривожлантириш» дастурининг энг фаол тар-
биячи сифатида эътироф этилиб, АТРнинг
махсус мукофоти билан тақдирланди.

Буларнинг бари, АТРнинг Марказий Осиё
бўйича раҳбари таъкидлаганидек, яна бир
бор теннис ўзига хос спорт турларидан бири
эканлигидан далolat беради, зеро ташки-
лотчи ва иштирокчи мамлакатлар ҳамда ал-
батта, ғолиб мамлакатлар нуфузи ортиб бо-
ришиға хизмат қилади. Энг муҳими эса
давлатларро мустаҳкам ва ишончли дўстлик
кўприги вазифасини ҳам ўтайди.

Шубҳасиз, давлатимиз Президенти қаро-
риға мувофиқ ташкил этилган Республика
олимпия захиралари теннис мактаби ҳам
мамлакатимизда ушбу спорт тури янада юк-
салиб боришиға ўз ҳиссасини қўшади. Янги
ўқув йилида илк фаолият бошлаган бу мак-
таб келажақда жоқори малакали теннисчи-
ларни тарбиялаш ва тайёрлашда, уларнинг
спорт маҳоратини тақомиллаштиришда,
Ўзбекистон шарафини нуфузли мусобақа-
ларда муносиб ҳимоя қилишға қодир рес-
публикамиз терма жамоалари захирасини
шакллантиришда пойдевор вазифасини ўта-
шиға катта умид болганган.

Албатта, яқин кунларда пойтахтимиз ўн-
инчи марта мезбонлик қиладиган «Tashkent
open — 2008» турнири ҳам янги-янги ном-
ларни кашф этади ва улар орасида ҳамюрт-
ларимиз бўлишиға ишончи қоламиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Футбол

«БУНЁДКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА

КЕЧА
«МХСК» СТАДИОНИГА ЙИГИЛГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР ТОШКЕНТНИНГ «БУНЁДКОР»
ВА ЭРОННИНГ «САЙПА» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ
ЧОРАК ФИНАЛИНИНГ ТАҚРОРИЙ ҲАҚИДАГИ ТУРАШУВИНИ ТОМОША ҚИЛИШДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, Техронда уюшти-
рилган дастлабки баҳсда сермазмун ўйин на-
мойиш эта олган тошкентликлар 2:2 ҳисоби-
даги галабаға тенг дурангни қайд этмишган ва
ярим финалға чиқиш учун жуда яхши имкони-
ятға эға бўлишганди.

Шу боисми, Миржалол Қосимов шоғирдла-
ри иккинчи ўрашувға жиддий тайёрларлик
кўришди. Тошкентдаги ўрашув очигини айтиш
керак, ҳамшаҳарларимизнинг тўлиқ устунлиги-
да ўтди. Майдонға тушган мухлислар 90 дақиқа
мобайнида олтига голнинг гувоҳи бўлишди.
Яқуний натижа «Бунёдкор» жамоасининг 5:1

ҳисобидаги галабаси билан яқунланди.
Мухлисларға қувончли дақиқаларни ҳада эт-
ган голларни меҳмонлар дарвозасига Вилья-
нуэва, Ривалдо ва Лупазолар йўллашға муваф-
фақ бўлишди.

Энди «Бунёдкор» жамоаси ярим финалда
Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» коман-
даси билан 8 октябрда сафарда, 22 октябрда
Тошкентда куч синашади.

Биз ўзбекистонлик мухлислар номидан фут-
болчиларимизға ушбу муҳим беллашувларда
фақат омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

НАТИЖАЛАР, ОЧКОЛАР

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 20-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ БУ САФАР
МЕҲМОНДА ТҮП СУРГАН ЖАМОАЛАРГА МУҲИМ ОЧКОЛАРНИ ТУҲФА ЭТДИ.

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя
қилаётган «Локомотив» ушбу тур-
да ўз майдонида ҳаракат қилган
бўлсада, Муборакнинг «Машъал»
жамоасига 1:2 ҳисобида имко-
ниятни бой бериб қўйди.
Шунингдек, Андижонда
«Навбахор» жамоасини қабул
қилган олий лиганинги янги ва-
кили «ЎзДонгЖу» командасидан
ҳам омад ўз ўғирди. Муросасиз

ўтган баҳс якунида мезбонлар
дарвозасига киритилган ягона
гол «Навбахор»ға муҳим галаба
келтирди. Самарқандда «Метал-
лург» жамоаси билан куч синаш-
ган «Динамо» клуби аъзолари
тенг курашлар остида ўтган ў-
рашувда муроса йўлини танлаш-
ға мажбур бўлишди. Ушбу баҳс
0:0 ҳисобида яқунланди.

Қолган ўрашувларда қуйида-
ги натижалар қайд этилди: «Не-
фтичи» — «Андижон» 2:1, «Сўғди-
ёна» — «ОТМК» — 1:1.
Мамлакат XVII миллий чемпи-
онатининг 21-тур баҳслари
«Шўртан» — «Бунёдкор», «Пахта-
кор» — «Қизилқум» ҳамда «На-
саф» — «Бухоро» жамоалари бел-
лашувларидан сўнг ниҳоясига
етади.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва
якшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00 дан
16.00 гача қабул қили-
нади. Маълумотлар
учун телефон: 233-28-
95. Факс: (3712) 233-
21-56. Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 2-қават,
208-хона.



ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ
РЕСПУБЛИКА
БИРЛАШМАСИ ВАКАНТ
ЖОЙЛАРИГА ИШГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- 1. Рақс гуруҳи — 14-25 ёшдаги қизлар.
- 2. Турли цирк жанрлари (акробатика, гим-
настика, ҳайвонларни ўргатиш, маҳарабоз-
лик)да кўникма олиш истагида бўлган 14-18
ёшдаги йигит-қизлар.
- 3. Манеж хизматчилари (униформистлар)
— 18-30 ёшдаги йигитлар.
- 4. Ҳайвонларни парвариш қилувчи ишчи-
лар.

Маълумотлар учун эълонлар:
244-34-35, 244-35-09.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3329 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёқи
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишининг мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шорк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турк» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6
Топширилган вақти: 13.30